Ватан севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 13 август, жума

№ 149 (21.500).

Сотувда эркин нархда

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Нгуен Ван Дак 11 август куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи жаноблари Ўзбекистон Президентига Вьетнам Социалистик Республикаси Президентининг самимий саломини етказди. Ўз мамлакати раҳбарияти Марказий Осиё минтақасидаги сиёсий барқарорликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган, катта иқтисодий қувватга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси билан ҳар томонлама ўзаро фойдали муносабатларни қарор топтиришга алоҳида аҳамият бераётганини айтди.

Ислом Каримов Нгуен Ван Дакнинг мазкур лавозимга тайинланиши Ўзбекистон ва Вьетнам ўртасидаги муносабатлар равнақига хизмат қилади, икки мамлакат халқларининг бир-бирини яхшироқ билиб олишига кўмаклашади, деб умид билдирди. Ўзбекистондаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳот хусусида сўзлаб берди. Элчи жанобларига янги ва масъулиятли лавозимда муваффақиятлар тилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас 23 июль — Инқилоб куни муносабати билан йўллаган табригингиз, унда менга ва Миср халқига билдирилган эзгу ҳислар учун Сиз, жаноби олийларига теран миннатдорлик изҳор этишдан ғоят мамнунман. Ўз навбатида Сизга сихат-саломатлик ва бахт-саодат дўст халқингизга тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Самимий ҳурмат ва эҳтиром ила,

**МУҲАММАД ҲУСНИ МУБОРАК,**
**Миср Араб Республикасининг Президенти.**

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз, жаноби олийларининг мени Эрон Ислом жумҳурияти Президенти лавозимига қайтадан сайланишим муносабати билан йўллаган табрик мактубингизни олдим. Сизга ташаккур билдирар эканман, икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янада равнақ топади, деган умиддаман. Аллоҳ таолодан Сиз, жаноби олийларига муваффақият ҳамда Ўзбекистон халқига зафарлар ва бахт-саодат тилаб қоламан.

**АЛИ АКБАР ҲОШИМИЙ РАФСАНЖОНИЙ,**
**Эрон Ислом жумҳуриятининг Президенти.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ АЛОҲИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тармоқда кўп йил ҳалол меҳнат қилгани, ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришгани ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

**«Ўзбекистон Республикасида Хизмат кўрсатган транспорт ходими»**

**Позилов Шукур** — Ўрта Осиё темир йўли Тошкент вагон депосининг чилангари

**Турдиқулов Содиқжон** — Ўрта Осиё темир йўли Бухоро бўлимининг бошлиғи

**Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:**

**Абдуллаев Раззоқберган** — Ўрта Осиё темир йўли Урганч локомотив депосининг машинисти

**Исломов Деҳқонбой Собирович** — Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бўлими Қўқон станциясининг поезд тузувчиси

**Йўлдошев Омонжон Сиддиқович** — Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари

**Кан Виктор Трофимович** — Ўрта Осиё темир йўли Тошкент тепловозларни таъмирлаш заводининг синовчиси

**Коваленко Александр Анатольевич** — Ўрта Осиё темир йўли Ховос электр таъминоти дистанциясининг бош электромеханиги

**Обидов Абдукарим Маликович** — Ўрта Осиё темир йўли Ўзбекистон локомотив депосининг устаси

**Тўйчиев Абдулла Азизович** — Ўрта Осиё темир йўли Қарши бўлимининг бошлиғи

**Устинов Михаил Иванович** — Ўрта Осиё темир йўли Сирдарё рефрижератор вагон депосининг чилангари

**Файзиев Нишонбой** — Ўрта Осиё темир йўли Бухоро бўлимининг Самарқанд йўл дистанцияси устаси

**Чориев Эргаш Чориевич** — Ўрта Осиё темир йўли Термиз сигнализация ва алоқа дистанциясининг катта электромеханиги

**Эркабоев Раҳматжон** — Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари

**Қобилов Мардон** — Ўрта Осиё темир йўли Фарғона бўлимининг молия бўлими бошлиғи

**Қурбонов Маҳмуд Авазович** — Ўрта Осиё темир йўли Қарши вагон депосининг бош назоратчиси

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 11 август.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

## МУСТАҚИЛЛИК — ЗАФАР ЙЎЛИ

**— Мустақиллик халқимизга нималар берди?**

**— Давлатимизнинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?**

**Ғулом КАРИМОВ,**
**Иккинчи жаҳон уруши Қаҳрамони:**

— Озодлик, мустақиллик халқимизга нималар бераётганини биз — уруш кўрган одамлар кўпроқ ҳис қилсак керак, деб ўйлайман. Худо кўрсатмасин, иккинчи жаҳон урушида Гитлернинг қўли баланд келганида бугунги мустақиллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди... Собиқ иттифоқ аслида мустамлакачилик қўрғонининг бир кўриниши эди. Фашизм босқинчиликлари ўлганнинг устига тепган бўларди-да... Ҳайтовур, бирлашган ўзар, деганларидек, ўша тарихий дамларда шунча халқ бир мушт бўлиб душманни ер билан яксон қилганимиз бугунги мустақиллигимизга тамал тоши бўлган экан.

Халқимиз ўз қалъасини, қўрғонини яратишга ва уни мардларча қўриқлашга, асраб-авайлашга қодир. Не-не замонларда шу заминдан етишиб чиққан улуғ саркардалар жаҳонни лол қолдирган. Зотан, энди «Суворов мактаби» ўрнига ҳақли равишда «Темур мактаби», «Бобур мактаби», «Собир Раҳимов мактаби»ни жорий этсак арзийди. Шунга яраша мактабларимиз ҳамда уни оқлайдиган мард ўғлонларимиз бор. Бироқ, бизнинг мактабларимиз зўравонлик, босқинчилик асосига қурилмайди. Бутун дунёни «қалам билан олди Алишер...» (Абдулла Ориф ибораси) қабилида забт этажакмиз.

— Давлатимизнинг келажагини порлоқ деб биламан. Фақат, гап уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашда! Дейлик, иккинчи жаҳон урушида собиқ иттифоқни фақат «рус армияси» асраб қолгани йўқ. Урушда ўзбек дивизиясининг, миллатдошларимиз сафларида бўлган бошқа қанчадан-қанча ҳаракатдаги армияларнинг ҳам жуда салмоқли ҳиссаси бор. Зотан, юзлаб қаҳрамонлар ўзларини кўрсатган урушда. Шундай экан, қаҳрамон жангчиларнинг авлодлари бўлмиш бугунги ўғлонлар ўз Она-Ватанларини, Ота юртларини қўриқлашга, қалқон бўлишга қодир, деб биламан.



«Олтовлон ола бўлса, олдидагин олдирар, тўртовлон тугал бўлса, кўкдагини қўндирар», деган нақл бор. Ишқилиб, халқимиз орасида ола бўлмасин. Президентимиз теварагида маҳкам жипслашган ҳолда, баҳамжиҳат, астойдил ҳаракат қилсак, илло, ниятларимизга етамиз.

• ХДП халқ орасида

## ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР, МАРОҚЛИ ГУРУНГЛАР

### • БУХОРО

Қоракўл туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалигида республика мустақиллигининг икки йиллиги олдидан меҳнаткашлар билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқотда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши мафкура бўлими мудири З. Давронов ўтган икки йилда республикада эришилган ютуқлар ва Халқ демократик партиясининг мустақилликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган сиёсати мавзуида суҳбатлашди. Ёзувчи, «Ёшлик» журнали бош муҳаррири Ғ. Ҳотамов ўтган даврда республика ҳаётида рўй берган маънавий ўзгаришлар ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг Бухоро вилоят партия кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон халқ депутати Ж. Нуруллаев, Қоракўл туман партия кенгаши биринчи котиби Н. Ёдгоров, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши тафтиш комиссиясининг аъзоси, шу жамоа хўжалиги 9-бригада бошлиғи Р. Отамуродовлар сўзга чиқдилар. Йиғилиш охирида савол-жавоб бўлиб ўтди.

Шунингдек, Ромитан туманида ўрта таълим ўқитувчилари билан, Пешку туманида савдо ходимлари ва зиёлилар билан, Ғиждувон ип-йигирув комбинати ишчилари билан учрашувларда фалсафа фанлари доктори, профессор С. Шермуҳамедов, шоирлар Икром Отамурод, Тошпўлат Аҳмад ва бошқалар қатнашдилар.

**Иброҳим ФОЗИЛОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.**

### • ҚАШҚАДАРЁ

Мустақилликнинг икки йиллигига бағишлаб Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташкил этган тарғибот гуруҳи Қашқадарё вилоятига ташриф буюрди. Гуруҳда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ж. Жабборов, ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими У. Ҳайитов, ёзувчи М. Тошпўлатов бор. Тарғибот гуруҳи аъзолари дастлабки куни Қарши шаҳридаги Шайҳали посёлкаси саноат корхоналари ишчилари билан учрашдилар. Айниқса, Қашқадарё дон ишлаб чиқариш ҳудудий бирлашмасида бўлган учрашув меҳмонларда ҳам, мезбонларда ҳам катта таассурот қолдирди. Таниқли шоир Ж. Жабборов мустақиллик мафкураси ҳақида гапириб, ўз ижодидан намуналар ўқиб берди.

Ишчилар билан гурунг эртаси куни Косон туманидаги «Косон» жамоа ширкат хўжалигида туман ва шаҳар зиёлилари билан бўлган учрашувда қизғин давом этди. ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими У. Саидов ва ёзувчи М. Тошпўлатов, район ҳокими ўринбосари Н. Аллаёров ва бошқалар мустақиллик мафкурасини яратиш борасида олиб бораётган ишлар ҳақида сўзладилар. Учрашув савол-жавоблар билан тугади.

Косон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида район меҳнаткашларининг юзлаб вакиллари тарғибот гуруҳи аъзоларини зўр шодиёналик билан кутиб олдилар. Бу ердаги йиғинда сўз олган район ҳокими О. Суяров туман меҳнаткашлари мустақиллик байрамини қандай кутиб олаётганликлари тўғрисида батафсил ахборот берди. Боғдаги тантана ўзига хос шодиёнаси билан алоҳида ажралиб турди. Бу ерда туман ҳокимлиги партия, касаба уюшмаси ёшлар ва хотин-қизлар қўмиталарининг ташаббуси билан 24 нафар гўдакнинг суннат тўйи ўтказилди. Шоир Ж. Жабборов ёш авлодни қизғин табриклаб, «Истиқлол ғазали» сарлавҳали шеърини ўқиди. Туркиялик меҳмон Ҳусайн Четинқоя, Туркияда таълим олаётган косонлик О. Турсунов, ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов, вилоят ёшлар қўмитаси биринчи котиби Д. Аллаевлар тўй болаларни қизғин табриклашди. Туман касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳ. Қўзибоев ҳар бир болага 5 минг сўмдан жамғарма дафтарчасини топширди.

Шунингдек, Касби туманидаги Ш. Рашидов номли жамоа ширкат хўжалигининг Р. Примов бошлиқ бригадаси дала шийпонида тарғибот гуруҳи аъзолари билан қизғин учрашуви бўлди. Хўжалик кенгаши раиси А. Чориев, жамоа аъзоларини мустақилликнинг икки йиллик шонли тўйини меҳнатда улкан ютуқлар билан кутиб олишаётганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Туман партия кенгаши аъзоси Р. Примов бошлиқ бригада аъзолари ҳар йили пахта тайёрлаш режасини ошириб бажариб келмоқда. Бу йил ҳам заршунослар гектаридан камида 45 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқдалар. Пахтакорлар билан учрашув кечгача давом этди.

**Мусо КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### • ФАРҒОНА

**Мен кетдим, халқимга, ижодимга...**

Бу оташ сатрларда олам-олам мазмун мужассам. У олимми, шоирми, ёзувчимиз, ижодкор, унинг тафаккур пилиги халқдан озиқ олади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши мустақиллигимизнинг икки йиллиги олдидан илму урфон аҳлига катта имконият яратиб берди.

Фарғона вилоятига тарих фанлари доктори, профессор Ҳ. Зиёев, шоир Р. Парпи, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси масъул котиби Р. Отаевлар ташриф буюрдилар. Улар дастлаб Фарғона шаҳридаги ҳарбий бўлинмалардан бирида, кейин Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Тошкесар маҳалласига ҳамда Охунбобоев туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжаликларида бўлишди. Одамлар бундай дил суҳбатларига чанқоқ бўлиб қолган эканлар. Мулоқотларда Ватан, миллат туйғуси ҳақида, мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, миллий истиқлол мафкураси хусусида гап борди. Мамлакатда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлаб тургани учун юртбошимиз шаънига миннатдорчилик сўзлари янгради.

Учрашувларда Рауф Парпи ва Раҳимжон Отаев ўз ижодларидан намуналар ўқиб беришди. Янги асарлар сатрлари айнан Фарғонада қораланган бўлса ажаб эмас. Унда меҳнаткаш халқимизнинг Ўзбекистон мустақиллигидан фахр-ифтихор туйғуси ўз аксини топиши шубҳасиз.

**Шавкат ИСРОИЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

## ОНА ВАТАН: КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

• Халқаро алоқалар

### ЭРОН САВДО-САНОАТ КЎРГАЗМАСИ

**● БУГУН Тошкентда Эрон-Ислом жумҳуриятининг Ўзбекистонда биринчи марта ташкил этган савдо-саноат кўргазмаси очилади.**

Кўргазмада Эрон-Ислом жумҳуриятининг 40 дан зиёд етакчи фирмалари ўзларининг енгил, озиқ-овқат, радиоэлектроника, тиббиёт машинасозлиги саноатига оид маҳсулотларни намойиш қиладилар. Тошкентликлар бу ерда пойабзал саноати учун дастгоҳлар, сопол, пластмасса идишлари ишлаб чиқариш учун қурилмалар, ёғочсозлик асбоблари, озиқ-овқат, мебель дори-дармонлар, дазмоллар, кийим-кечаклар ва автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар намуналари билан танишадилар.

Кўргазма Эрон ва Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

• Ўзбегим — ўзлигим

### БУЮК МУНАЖЖИМ ХОТИРАСИ

**ХАЛҚИМИЗ шу кунларда ўзининг асл фарзанди — буюк мунажжим, шоир, мусиқашунос Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик муборак тўйини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда.**



Республика пойтахтида Улуғбек ҳайкалини ўрнатиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Қадимий Самарқандда эса бобокалонимиз қадамжоларини обод қилиш ва таъмирлаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Хусусан, Улуғбек мадрасасини таъмирлаш учун 520 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Савобли ишларда Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва фарғоналик усталар камарбасталик қилишмоқда.

• Анъанавий учрашувлар

### «ТУРКИСТОН» — МУБОРАКДА

**ЁШЛАРНИНГ севимли рўзномаси — «Туркистон» жамоасининг Республика туманлари бўйлаб анъанавий сафари муштарийларда яхши таассурот қолдирмоқда.**

«Туркистон»нинг навбатдаги сафари Қашқадарёнинг Муборак туманида давом этди. Мустақиллик байрами арафасида ўтказилган бу хайрли юришда Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, шоир Икром Отамурод, санъаткорлардан Ўктам Аҳмедов билан Раҳимжон Исроиловлар иштирок этишди. Давра учрашувларида «мўъжизакор» Йўлдош Жўраев, қизиқчи Абдуқосим Раҳмоновларнинг чиқишлари самимий қаршиланди. Уч кун давом этган сафар мобайнида ижодкорлар Занжирсаройни зиёрат қилдилар, газни қайта ишлаш заводида бўлдилар. Жамоа ва ширкат хўжаликларида учрашувлар уюштирилди.

• Меросимизни ўрганамиз

### ЗАНГИОТАГА ТАЪЗИМ АЙЛАБ

**БУГУН Тошкент вилоятининг Зангиота тумани марказида мустақиллик байрамига бағишланган ўзига хос маданий анжуман ўтказилади.**

Зангиота Ҳимматийнинг Марказий Осиё халқлари маънавий маданиятида тутган ўрни мавзуидаги илмий-бадиий-оммавий анжуманнинг ўзига хос байрамга айланиши кутилмоқда. Тарих фанлари номзоди Омонулла Бўриев «Занги ота яшаган давр», фалсафа фанлари доктори Ориф Усмонов «Ҳаким ота ва Занги ота» ҳамда фалсафа фанлари номзоди Султонмурод Олимов «Зангиота Навоий таърифида» мавзуида суҳбатлар ўтказишади. Йиғилиш театрлаштирилган бадиий-мусиқий қисм билан якунланади.

**(Мухбирлар, хатлар ва УзА хабарлари асосида тайёрланди).**

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

